

# Тавбанинг мукофоти ҳақидаги оятлар | Тазкия дарслари (303-дарс)



19:00 / 18.10.2024 1149

Қуидаги ояти каримада Аллоҳ таоло тавба қилувчиларни «покланувчилар» деб сифатлайди:

فِي النِّسَاءِ فَاعْتَرِلُوا أَذْيَ هُوَ قُلُّ الْمَحِيطِ عَنْ وَيَسْأَلُونَكُمْ

فَأَتُهُنَّ تَطَهَّرُنَ فَإِذَا يَظْهَرُنَ حَتَّىٰ نَقْرُبُوهُنَّ وَلَا الْمَحِيطُ

الْمُتَطَهِّرُونَ وَيُحِبُّ الْتَّوَّبَينَ يُحِبُّ اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ أَمْرُكُمْ حَيْثُ مِنْ

«Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. Сен: «У кўнгилсиз нарсадир. Ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг. Пок бўлмагунларича уларга яқинлашманглар. Қачонки пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг. Албатта, Аллоҳ кўп тавба қилувчиларни севадир ва покланувчиларни севадир», деб айт» (Бақара сураси, 222-оят).

Аллоҳ таоло холис тавбанинг мукофоти жаннат экани ҳақида марҳамат қилиб, қуидаги ояти каримани нозил қилган:

أَن رَبُّكُمْ عَسَى نَصْوَحَاتَوْبَةَ اللَّهِ إِلَى تُوبَةِ أَمْنُوا الَّذِينَ يَتَأَيَّبَهَا

مِنْ تَجْرِي جَنَّتٍ وَيُدْخِلُهُمْ سَيِّئَاتِكُمْ عَنْكُمْ يُكَفِّرُ

مَعَهُمْ أَمْنُوا وَالَّذِينَ أَنْبَيَ اللَّهُ يُخْزِي لَا يَوْمَ الْآنْهَرُ تَحْتَهَا

لَنَا أَتَمِّمْ رَبَّنَا يَقُولُونَ وَبِإِيمَانِهِمْ أَيْدِيهِمْ بَيْنَ يَسْعَى نُورُهُمْ

قَدِيرٌ شَيْءٌ كُلٌّ عَلَى إِنَّكَ لَنَا وَأَغْفِرْ نُورَنَا



«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга холис тавба қилинглар! Ажаб эмаски, Роббингиз ёмонликларингизни ўчирса ва сизни осталаридан анхорлар оқиб турган жаннатларга киритса. У Кунда Аллоҳ Набийни ва у билан бирга бўлган иймон келтирганларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг тарафларида юриб борадир. Улар эса: «Роббимиз, бизга нуримизни батамом қилиб бер, гуноҳларимизни мағфират қил, албатта, Сен ҳар бир нарсага ўта қодирсан», дерлар» (Таҳрим сураси, 8-оят).

**«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.